

Атиргулда ҳам ақл бор



21:34 / 19.08.2024 2980

Атиргулда, буғдой бошоғида, эман дарахтида ақл бор. Гарчи унинг ақли, яъни эман дарахтининг ақли шохлари каби қалин ақл бўлса ҳам бор. Кунгабоқарнинг ҳаракати, қуёш томонга юзланиши асал тўплаш учун далалар бўйлаб парвоз қилаётган асаларининг ҳаракатидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Шу билан бирга олий мақсадларини кўзлаб тўсиқлардан хавф-хатарлардан ошиб ўтаётган инсоннинг ҳаётдаги курашидан фарқ қилмайди. Кунгабоқар, асалари ва инсоннинг ҳаёт тарзи ўртасида биологик боғлиқлик бор. Буларнинг ҳар бири ҳалқалари бир-бирига туташган занжир мисолидир. Ўрталаридаги фарқ яшаш даражасида холос. Кунгабоқарнинг соддагина ҳаракатида ақл бор. Хўш, бу қандай ақл. Бу – тасарруф қилиш ва атроф муҳитга мослашиш қудратидир. Қисқа иборалар бироқ унинг тафсилоти кенгдир. Ҳар лаҳзада яшаб қолиш, ҳаётни давом эттириш учун энг муносиб қарорни қабул қилиш қудратидир. Кунгабоқар

ва барча ўсимликлар ёруғликка қараб ўсаётган чоғда ҳаётини давом эттириш, яшаб қолиш учун энг муносиб ва керакли қарорни қабул қилаётган бўлади. Уларнинг ёруғлик сари ҳаракатланиши оқилона ҳаракат саналади. Шунинг учун ҳам ақл инсондаги янги нарса эмас, балки бутун табиат ва тирик жонзотларда мавжуддир. Инсон билан бошқа махлуқотларнинг ақлидаги фарқи шуки, инсонда тасарруф қилиш учун, мақсадларига етиш учун ишлатадиган, қўллайдиган воситалар кўпроқдир.

Доктор Мустафо Маҳмуд роҳимаҳуллоҳ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.